

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВЛЯТОВ ВАЛИШЕР ХАКИМЖАНОВИЧ**

**АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА  
АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Давлятов Валишер Хакимжанович**

Адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик  
тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми  
масалалари ..... 3

**Davlyatov Valisher Khakimjanovich**

Issues of the legal status of advocacy structures and self-governing body in  
improving the institute of advocacy..... 25

**Давлятов Валишер Хакимжанович**

Вопросы правового статуса адвокатских формирований и органа  
самоуправления при совершенствовании института адвокатуры..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВЛЯТОВ ВАЛИШЕР ХАКИМЖАНОВИЧ**

**АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА  
АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Yu353 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саломов Баҳром**  
юридик фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Тулаганова Гулчехра Захитовна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Астанов Истам Рустамович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази**

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил 6 ноябрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (936-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «23» октябрда тарқатилди.

(2020 йил «23» октябрдаги 6-рақамли реестр баённомаси).

**У.А.Тухташева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

**Д.Г.Камалова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларида адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомига оид масалалар долзарб аҳамият касб этади. Ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишда адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг асосий ҳамда муҳим вазифани бажариши халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Саккизинчи конгрессида қабул қилинган «Юристар ролига оид асосий принциплар»<sup>1</sup>да адвокатура институтини такомиллаштириш демократик ҳуқуқий тараққиётнинг бирламчи шартларидан эканлиги қайд этилган.

Жаҳонда адвокатларнинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун зарур ҳуқуқий майдонни яратиш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақомини, улар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишга оид илмий тадқиқотларни бажаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, адвокатура институтини ривожлантириш, адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш, юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобат муҳитини яратишда адвокатура институтининг ролини ошириш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаш, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, адвокатлик касбининг ихтисослашувини йўлга қўйиш, адвокатларнинг мустақиллигини ва уларнинг суд процессидаги бошқа иштирокчилар билан тенглигини таъминлаш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиб, адвокатларнинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базасини яратиш бўйича қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, «адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлиги, бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда адвокатура институтида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам борлиги»<sup>2</sup> суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

<sup>1</sup> <https://www.un.org/ruleoflaw/blog/document/basic-principles-on-the-role-of-lawyers/>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2019 йил 8 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги (1996), «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари (1998), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008), «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2020) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (2008), «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2009) қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мазкур мавзунинг баъзи жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, Ғ.А.Абдумажидов, А.Х.Саидов, М.Х.Рустамбоев, Б.Х.Пулатов, Б.С.Саломов, З.Ф.Иноғомжонова, М.М.Мамасиддиқов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Ҳ.Отахонов, Е.Н.Никифорова, Л.Б.Хван, С.А.Якубов, Д.Ю.Хабибуллаев, Д.Б.Базарова, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалаларининг айрим жиҳатлари Г.М.Резник, А.Г.Кучерена, Н.В.Андрианов, А.П.Галоганов, И.С.Яртых, М.Ю.Барщевский, Н.В.Лазарева-Пацкая, О.В.Поспелов, А.Н.Просвиркин, С.А.Деханов, А.И.Яценко ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар Ю.Хаски (АҚШ), У.Керин (Швеция), Ф.Веннинг (Австрия), В.Хоррер (Германия), Р.Мюллерат (Буюк Британия) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалалари мавзуси шу вақтгача комплекс илмий тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида адвокатура институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалаларига оид илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш ҳамда тегишли илмий таърифлар бериш;

адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмаларининг юридик мақоми тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

адвокатлик тузилмалари сифатида адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюроси ва юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми такомиллаштиришга оид хулосаларни асослантириб бериш;

хорижий мамлакатларда адвокатлик тузилмалари юридик мақомининг хусусиятларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани мамлакатимизга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси, унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳуқуқий мақомининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш, Конференция, Тафтиш комиссияси ва Бошқарувни шакллантириш тартиби ҳамда улар қаторига Олий малака ва Олий интизом комиссияларини киритиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатларини, бу борада уларнинг илғор тажрибасини таснифлаш асосида ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми

масалаларини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

айни бир шахснинг кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси бўлиши мумкин эмаслиги асосланган;

адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш орқали ягона қонун ҳужжатини – «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ва улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли эканлиги асослаб берилган;

адвокатлик бюросини таъсис этган адвокат ўз фаолиятини унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жойлар тоифасига ўтказиши талаб этилмаслиги асосланган;

адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари миқдорлари қонун ости ҳужжатлари билан эмас, балки устувор қонун даражасида белгиланиши зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалаларига оид илмий тушунча ҳамда категорияларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилди ва тегишли илмий докторинал таърифлар берилган;

адвокатлик тузилмалари сифатида адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюроси ва юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштиришга оид хулосалар асослантирилган;

хорижий давлатларнинг адвокатлик тузилмаларига оид илғор тажрибаси ва ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилиб, адвокатлик тузилмаларининг табиати (тижорат, нотижорат ва аралаш) бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси, унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳуқуқий мақомининг ташкилий-ҳуқуқий



жиҳатлари, Конференция, Тафтиш комиссияси ва Бошқарувни шакллантиришга ҳамда улар қаторига Олий малака ва Олий интизом комиссияларини киритишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар (Германия, Франция, Грузия, Латвия, Литва, Россия, Беларусь) тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси номзодига қўйиладиган талаблар, уни муқобиллик асосида сайлаш, номзодларнинг адвокатура институтини ривожлантиришга қаратилган узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган сайловолди дастурини тақдим этиши зарурлиги, унинг амалдаги ваколат муддатини қисқартириш, Адвокатлар палатасининг ҳудудий тузилмалари раҳбарларини сайлаш тизимини жорий этиш зарурлиги асосланган;

адвокатура ва адвокатлик фаолияти турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, улар тизимлаштирилган мазмунга эга эмас. Бу эса уларни амалиётда қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Қолаверса, Конституция ва қонун устуворлиги нуқтаи назаридан ва хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибасини инобатга олиб, «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш зарурияти ҳамда унда ифода этилиши лозим бўлган нормалар тавсифланган;

хорижий мамлакатларда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг турли моделлари таснифланган;

хорижий давлатларнинг (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон) ўзини ўзи бошқаришга оид илғор тажрибаси ва ўзига хос жиҳатлари миллий адвокатура қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этилиб, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш аломатларига эга ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини ягона қонун ҳужжатида аниқ қилиб белгилаш мақсадида «Ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва унинг тузилишига оид илмий-назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда адвокатура фанида мавжуд бўлган назарий қарашларга, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормаларига, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланганлиги, шу билан бирга, ижтимоий сўров натижаларига кўра (1600 нафар адвокатлар ва 200 нафар талабаларнинг фикрини ўрганиш

учун сўровнома-анкета тарқатилди)<sup>4</sup> тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончилиги расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган адабиётлардан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида муаллиф томонидан 2019 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Адвокатлар палатасида амалга оширилган стажировка давомида олинган амалиёт материалларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ҳамда таклифлар адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалаларига оид ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи «Адвокатура тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг 2019 йил 26 мартда қабул қилинган 2419–III/КҚ–523–III-сонли Қўшма қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқотнинг натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари, адвокатлик тузилмаларининг амалий фаолиятини ташкил этишда, талабалар учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда «Адвокатура» модулининг маъруза ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳамда кенг миқёсда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш жараёнида фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалалари мавзусидаги тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

айни бир шахснинг кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси бўлиши мумкин эмаслиги ва Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ҳамда улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклифлардан «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 майдаги 06/1–06/1853вх–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги Адвокатлар палатаси раисининг ҳуқуқий мақомини оширишга ва унинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2019 йил 30 октябрдаги 02-14-2263-сон хати.

адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш орқали «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги 2419–Ш/КҚ–523–Ш-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси»нинг 45-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 2020 йил 22 июндаги 02–09–234-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши бир нечта қонун ва ўндан ортиқ қонун ости ҳужжатларини тизимлаштириш орқали ягона қонунни қабул қилишга хизмат қилади;

адвокатлик бюросини таъсис этган адвокат ўз фаолиятини ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жойлар тоифасига ўтказиши талаб этилмаслиги тўғрисидаги таклифдан «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 майдаги 06/1–06/1853вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши адвокатлик фаолиятини ташкил этишга ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга хизмат қилган.

адвокатлик бюрларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божи ставкалари миқдорлари қонун ости ҳужжатлари билан эмас, балки тўғридан-тўғри қонун даражасида белгиланиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 2020 йил 11 июндаги 02–09–219-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божига оид нормаларни барқарор қонун даражасида белгилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан илмий журналларда 9 та (7 та республика ва 2 та хорижий журналларда) илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида (докторлик диссертациясининг аннотацияси) тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Адвокатура институтининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида адвокатура институтининг ижтимоий-ҳуқуқий табиати, адвокатлик тузилмалари юридик мақомининг ўзига хос хусусиятлари, адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди.

Адвокатура – латинча *«advocatus»* сўзидан олинган бўлиб, судда иш юритиш, ҳимояни амалга ошириш ҳамда кенг маънода малакали юридик ёрдам кўрсатиш вазифасини амалга оширувчи касбий бирлашмалардан иборат бўлган алоҳида мақомга эга ижтимоий-ҳуқуқий институт деган маънони англатади. Диссертацияда нафақат адвокатура тушунчаси таҳлил этилган, балки унга алоқадор бир қатор илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган ҳамда уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ва ўхшашликлари таҳлил этилган.

Илмий ишда ҳуқуқшунос олимларнинг (М.Рустамбаев, У.Тухташева, Б.Саломов, А.Воробьев, А.Поляков, Ю.Тихонравов, Н.Андрианов, В.Чиркин) адвокатура институтининг ижтимоий-ҳуқуқий табиатига оид турлича назарий ёндашувлари таҳлил этилиб, адвокатуранинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро нисбати, умумий ва фарқли жиҳатларининг моҳияти очиб берилган. Бундан ташқари, адвокатуранинг давлат органларидан мустақиллик, тенглик, корпоративлик, ўзини ўзи бошқариш ва молиялаштириш каби принциплари билан ажралиб туриши ҳамда фуқаролик жамияти институтларидан ўзига хос хусусиятлари, хусусан унга аъзоликнинг мажбурийлиги, одил судловнинг муҳим элементи, унинг жамоат бирлашмаси эмас, балки касбий бирлашма эканлиги, аъзолар учун муайян талабларнинг (жумладан, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича муайян иш стажига эга бўлиш, малака имтиҳонини топшириш, судланмаганлик, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш, қасамёд қабул қилиш, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгалламаслик каби шартлар) белгиланганлиги каби асослар билан фарқланиши исботлаб берилди. Шунингдек, илк маротаба «адвокатура» тушунчасига илмий таъриф берилиб, «юридик ёрдам» ва

«юридик хизмат» тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳамда фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари, элементлари ҳамда унга алоқадор бошқа категориялар билан ўзаро нисбати таҳлил этилган.

Мазкур ишда адвокатлик тузилмалари тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми ва мақсадига оид илмий-назарий масалалар тадқиқ этилиб, қонунчиликда уларни юридик шахсларнинг бирон-бир турига киритиш масаласи аниқ белгиланмаганлиги боис, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг (Б.Саломов, С.Якубов, Л.Хван, Р.Мюллерат, А.Кучерена, А.Галоганов, О.Поспелов) фикр ва мулоҳазалари ўрганилиб, улар билан илмий мунозарага киришилган ҳамда адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақомида оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий муносабатлар элементлари, шунингдек адвокатлик тузилмаларида адвокатларнинг якка тартибдаги, аъзолик, шериклик ёки ташкилий бўйсунув муносабатларига асосланиши ҳақидаги хулосалар ўз тасдиғини топган.

Илмий ишда адвокатуранинг ташкилий шакллари ва адвокатлик тузилмалари тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳамда фарқли жиҳатлари таҳлил этилиб, адвокатуранинг ташкилий шакллари ўз ичига адвокатлик тузилмаларини қамраб олган нисбатан кенг категория эканлиги ва у адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини ҳам ўз таркибига олиши ҳақидаги хулосага келинди. Бундан ташқари, адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми адвокатура ва фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назардан таҳлил этилиб, тадқиқот натижалари асосида истиқболда уларни такомиллаштиришга оид ҳуқуқий нормалар асослантирилди. Хусусан, адвокатура қонунчилигида адвокатлик тузилмаларининг таъсисчилари фақат адвокатлардан иборат бўлиши (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида 1993 йил 25 июнда қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури), Ўзбекистонда хорижий адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни адлия органлари томонидан кўриб чиқиш тартиби ва ҳуқуқий асослари, хорижий адвокатларнинг малака имтиҳонини топшириш тартиби ва ҳуқуқий асослари, ўз фаолияти даврида Адвокатлар палатасига аъзо бўлиши, мамлакатимизда хорижий адвокатларнинг фаолият юритиши, улар иштирок этиши мумкин бўлмаган ишлар тоифасига оид нормалар (Россия, Беларусь) аниқ белгиланиши зарур, деган хулоса исботлаб берилди.

Шунингдек фуқаролик қонунчилигида адвокатлик тузилмаларини юридик шахс сифатида нодавлат нотижорат ташкилоти мақомида белгилаш, адвокатлик тузилмаларининг номланишида уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари акс этиши зарурлиги, адвокатлик тузилмаларини юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ўзгартириш мумкин эмаслиги ҳақидаги нормалар асослантирилди. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар (Германия, Россия, Беларусь) тажрибаси асосида адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни соддалаштириш мақсадида уларни рўйхатга

олишнинг рухсат бериш тартибидан давлат хизматлари марказлари орқали хабардор этиш тизимига ўтказиш зарур, деган хулоса ўз тасдиғини топган.

Илмий ишда хорижий мамлакатлар тажрибаси (Германия, Россия, Украина, Қозоғистон) асосида Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари ҳамда соҳага оид қонун ости ҳужжатларини тизимлаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қилувчи «Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш ва унда адвокатлик мақоми, адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, адвокатлик фаолиятини ташкил этиш, адвокатура соҳасида давлат органларининг ваколатлари, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳуқуқий мақоми, улар раҳбарларининг ваколатлари, адвокатлик тузилмалари шакллари, адвокатларнинг ижтимоий ва касбий ҳимояси, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари, юридик ёрдам тўғрисидаги шартнома ва бошқа муҳим ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топиши зарур, деган хулосага келинди. Бундай қонунлар Германия, Россия, Украина, Қозоғистон каби давлатларда қабул қилинган.

Тадқиқот ишида адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг (Б.Саломов, Г.Резник, М.Барцевский, Л.Хван, В.Ануфриев, С.Гаврилов) турлича ёндашувлари тадқиқ этилиб, адвокатура мустақиллигини таъминлашнинг илмий-назарий ва конституциявий норма таҳлилидан келиб чиқиб, адвокатура институтининг ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот эканлиги исботлаб берилган.

Адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш адвокатлар мустақиллигини таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли илмий ишда «адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш» ва «адвокатлар ҳамжамияти» тушунчалари қиёсий таҳлил этилиб, улар нисбатининг мазмун-моҳияти очиқ берилган ҳамда бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос фарқли хусусиятлари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илк маротаба юқорида қайд этилган тушунчаларга назарий таъриф берилган.

Диссертацияда мамлакатимизда мустақиллик йилларида адвокатура институтининг давлат органи мақомидан ўзини ўзи бошқариш тизимига эга бўлган адвокатларни бирлаштирувчи ягона марказлашган ташкилот сифатида тадрижий шаклланиши тенденцияси илмий-амалий нуқтаи назардан асослантирилган. Илмий ишда адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришни тўлиқ таъминлаш бошқарувнинг мақбул шакли эканлиги ҳақидаги хулосага келинган. Шу билан бирга, ўзини ўзи бошқариш адвокатуранинг давлат ҳокимияти таъсиридан бутунлай озод этмаслиги, ҳуқуқий ҳужжат орқали давлат ўз таъсирини доимо сақлаб туриши ҳақидаги тўхтамга келинган.

Бундан ташқари, замонавий демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантиришда ўзини ўзи бошқариш хусусиятига эга касбий бирлашмаларни нодавлат ноижорат ташкилотлардан фарқлашга ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва

қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ўзини ўзи тартибга солиш аломатларига эга ташкилотларнинг ушбу мақомда фаолият кўрсатиши мумкинлигини ягона қонун ҳужжатида аниқ белгилаш, касбий фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиб-таомилларининг муқобил ҳуқуқий механизмларини яратиш, шу жумладан уларни бирлашмаларга мажбурий аъзолик институти билан алмаштириш зарур, деган хулосага келинган. Ушбу ишда ўзини ўзи бошқариш хусусиятига эга касбий бирлашмалар фаолиятига давлатнинг аралашувини имкон қадар камайтириш мақсадида хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон) тажрибасини ва халқаро ташкилотларнинг (МДХ Парламентлараро Ассамблеяси) тавсияларини инобатга олиб, «Ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш зарурияти ҳар томонлама асослантириб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш**» деб номланиб, унда адвокатлик тузилмалари сифатида адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмасининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг умумий, ўхшаш ҳамда ўзаро фарқли жиҳатлари, адвокатлик бюроси ва юридик маслаҳатхона ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари ҳамда хорижий мамлакатларда адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақомига доир масалалар назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертант илмий ишда адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмаси ҳуқуқий мақомининг умумий ва бир-биридан айрим фарқли жиҳатлари қонун ҳужжатлари таҳлили асосида ҳамда бу борадаги ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи мутахассислар (Б.Саломов, Г.Резник, О.Поспелов, И.Зайцева, Л.Хван, И.Азизов) билан баҳс-мунозарага киришиб, адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмасининг жамоавий ёндашувга асосланиши, устав ва таъсис (шериклик) шартномаси уларнинг таъсис ҳужжатлари ҳисобланиши, нотурар жойда жойлашиши, нотижорат ташкилот мақомига эгаллиги, ўз ваколатхона ва филиалларини ташкил этиши мумкинлиги, солиқ агенти эканлиги, адвокатлик ҳайъати адвокати таъсис шартномасидан ва адвокатлик фирмаси адвокати шериклик шартномасидан чиққан тақдирда у ўзи иштирок этган даврда юзага келган мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахс ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлиши, уларни тугатиш муассислар (аъзолар, шериклар) қарорига биноан амалга оширилиши каби бир қатор умумий жиҳатлар борлиги, шу билан бирга, адвокатлик фирмаси шериклардан, ҳайъат эса аъзолардан иборат бўлиши, бир тарафи адвокатлик фирмаси бўлган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича айнан бир адвокат эмас, балки фирманинг барча адвокат-шериклари ишонч билдирган шахс олдида жавобгар бўлиши, адвокатлик фирмаси шериклари адвокатлар ҳайъат аъзоларидан фарқли равишда бошқарувчи шерик ёки бошқа шерик билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузган барча ишонч билдирувчи шахслар олдида солидар жавобгар бўлиши, адвокатлик

фирмасида шериклик шартномасининг амал қилиш муддати мавжуд бўлиши, адвокатлар ҳайъати эса, қоида тариқасида, номуайян муддатга ташкил этилиши, адвокатлик фирмасида шериклик шартномаси бекор қилинган пайдан бошлаб адвокатларга юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш таъқиқланиши каби хусусиятлари билан фарқланиши асослаб берилган.

Шу билан бирга, адвокатлар ҳайъати адвокатлари ҳайъат мажбуриятлари бўйича, адвокатлар ҳайъати эса унинг адвокатлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмаслиги, адвокатлик ҳайъати адвокати таъсис шартномасидан чиққан тақдирда шартномада ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахс ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлиши асосланганди ҳамда хорижий мамлакатлар (АҚШ, Россия) тажрибаси ҳамда халқаро стандартлардан (Юристар ҳамжамияти учун умумий принциплар) келиб чиқиб, адвокатлик фирмасининг шериклари томонидан манфаатлари бир-бирига зид бўлган шахсларга юридик ёрдам кўрсатишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги тақлиф илгари сурилган.

Диссертацияда адвокатлик тузилмалари сифатида адвокатлик бюроси ва юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилиб, адвокатлик бюросида адвокатлик фаолиятини амалга оширишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда унинг мазмун-моҳияти тизимли таҳлил этилиб, уларнинг хусусиятлари асосли тарзда баён этилган.

Диссертантнинг фикрича, адвокатлик бюросида адвокатнинг ўз фаолиятини амалга ошириши чоғида касбий обрўсини кўтариш имкониятининг юқорилиги, сарф-харажатларнинг камлиги ижобий жиҳатлар деб баҳоланса, етарли ишчанлик касбий муҳитнинг мавжуд эмаслиги, сарф-харажатлар яқка шахс – адвокатнинг зиммасида бўлиши, ишонч билдирувчи шахслар нисбатан камроқ бўлиши унинг салбий аломатлари сифатида ажратиб кўрсатилган.

Адвокатлик бюросининг ҳуқуқий мақомида унинг яқка тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириши белгиланганлиги сабабли уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан имтиёзли кредитлар, ссудалар ва бошқа имтиёзлар, хусусан, уни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ставкаси адвокатлар ҳайъати ва адвокатлар фирмасидан фарқланиши зарурлиги асосланганди. Истиқболда яқка тартибда адвокатлик фаолиятини йўлга қўйган адвокатларни ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритиш орқали адвокатлик бюросини юридик шахс бўлмаган мақомда белгилаш лозимлиги ҳамда шу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар илгари сурилган. Шунингдек, адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божини Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ваколатидан Адвокатлар палатасининг ваколатига ўтказиш лозимлиги асосланганди берилган.



Мазкур илмий ишда юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақомини тегишли ҳудуддаги юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш ва адвокатлик тузилмаларининг етарлилиги мезонидан эмас, балки аҳолига бепул малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимидан келиб чиқиб белгилаш зарурлиги исботлаб берилган. Бунда бепул малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимини давлатнинг ижтимоий буюртмаси, ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш асосида Адвокатлар палатаси томонидан мамлакатимизнинг 204 та туман, шаҳарларида юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиш орқали ҳал этиш лозимлиги, бунда юридик маслаҳатхонада «устоз–шогирд» анъанасини йўлга қўйиш, ҳудуддаги ёши улуғ, тажрибали адвокатлар ҳамда адвокатурага кириб келган ёш адвокатларни жалб этиш ғояси илгари сурилган. Бундан ташқари, юридик маслаҳатхона учун хизмат хоналарини тегишли ҳудудий адлия органлари ёки давлат хизматлари марказлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларига ижара тўловининг «ноль» ставкаси асосида жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Илмий ишда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида адвокатлик тузилмалари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилиб, уларнинг тижорат (АҚШ, Канада, Швеция), нотижорат (Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон) ва аралаш шаклдаги (Германия, Франция) уч моделга ажратилиши асослантилган. Бунда адвокатлик тузилмаларининг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги бош мезон сифатида эътиборга олинган.

Диссертациянинг «**Адвокатлар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг бошқарув тизимини, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, хорижий мамлакатларда адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми масалалари тадқиқ этилган.

Адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштирмасдан туриб, Адвокатлар палатасининг бошқарув тизими, унинг ҳудудий тузилмалари ва раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигига эришиб бўлмайди. Шу боис, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида бошқарувнинг ҳокимият ваколатлари тақсимланиши принципи татбиқ этилиши лозимлиги очиб берилган ва айрим ҳуқуқшунос олимлар (В.Хоррер, Б.Саломов) ва амалиётчи мутахассислар (И.Азизов, Н.Хидиров) билан баҳс-мунозарага киришилиб, бир нечта ваколатларнинг айнан бир органда тўпланиб қолиши ўзини ўзи бошқаришнинг мазмун-моҳиятига назарий жиҳатдан мос келмаслиги сабабли адвокатура институтида «бир-бирини тийиш ва ўзаро манфаатлар мувозанатини сақлаш» тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосага келинган.

Диссертантнинг фикрича, Адвокатлар палатасининг амалдаги бошқарув тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, уни замон билан ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш, илғор хорижий мамлакатларнинг бой тажрибаси ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш зарур. Бунда Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари бошқарув органларининг ҳуқуқий мақоми, ваколат муддатлари, уларни шакллантириш тартиби ва асосларини белгилаш, улар фаолиятида адвокатларнинг ташаббускорлиги ҳамда бевосита иштирокини таъминлаш, касбий ва молиявий фаолиятни назорат қилувчи органлар фаолиятини мустақиллик принципи асосида ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар илгари сурилган.

Шунингдек, Адвокатлар палатаси бошқарув органлари фаолиятини беш асосий гуруҳга бўлиб тадқиқ этиш, хусусан, биринчидан, Конференциянинг фаолият юритиши ва ваколат муддатлари, иккинчидан, Бошқарув органи таркибини шакллантириш ва янгилаш, учинчидан, Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми, унинг таркибини шакллантириш ва ваколат муддатини, фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тўртинчидан, амалдаги малака комиссиясининг ваколатларини тақсимлаш орқали уни иккита алоҳида мустақил тузилмага ажратиш, яъни малака комиссиялари ва интизом комиссияларини ташкил этиш, ушбу комиссиялар аъзолига номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблар, уларнинг таркибини шакллантириш, ваколат муддатини белгилаш, бешинчидан, Адвокатлар палатасининг хорижий мамлакатлар адвокатураси билан ҳамкорлик қилиши, халқаро юридик ташкилотларга аъзо бўлишига доир таклифлар илгари сурилган. Шунингдек тадқиқот натижалари асосида Адвокатлар палатасининг Конференцияси, Бошқаруви, Тафтиш комиссияси, Олий малака комиссияси, Олий интизом комиссияси ва уларнинг ҳудудий комиссиялари ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича адвокатура қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган таклифлар илмий асослантирилган.

Диссертантнинг фикрича, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари лавозимига сайлаш ва уларни муддатидан олдин лавозимидан озод этиш Адвокатлар палатаси Конференциясининг мутлақ ваколатига тегишли бўлиши, улар лавозимларига номзодлар ҳудудий адвокатлар палаталари томонидан кўрсатилиши, номзодлар тўғрисидаги маълумот ҳамда номзоднинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган сайловолди ҳаракат дастурини Конференцияни ўтказишдан камида уч ой олдин Адвокатлар палатасига юбориши ва расмий веб-сайтда адвокатлар муҳокамасига ҳавола этиши ғояси илгари сурилган. Бунда Адвокатлар палатаси раислигига тавсия этиладиган номзодларга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилаш, хусусан, камида ўн йиллик адвокатлик иш стажига, ҳаётий, касбий тажрибага ва бошқариш соҳасида муайян иш тажрибасига эга бўлиши зарурлиги илмий асослаб берилган.

Илмий ишда Адвокатлар палатасининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши масалалари таҳлил этилиб, адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шартлиги ҳақидаги нормаларни қонун даражасида белгилаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мазкур ишда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳудудийлик принципи асосида ташкил этилганлиги ва алоҳида юридик шахс ҳисобланиши боис уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириб, уларни ҳудуддаги адвокатларнинг умумий йиғилиши қарори билан ҳудудий адвокатлар палаталари сифатида қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган. Мазкур қоида адвокатура соҳасига оид умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар (Юристар ролига оид асосий принциплар, Юристар ҳамжамиятининг мустақиллик стандартлари) тавсияларига ҳам мос келади. Шунингдек Адвокатлар палатасининг ҳудудий тузилмалари раиси лавозимига тавсия этиладиган номзод беш йиллик адвокатлик иш стажига эга бўлиши, сўнгги икки йил ичида интизомий жавобгарликка тортилмаган бўлиши шартлиги, ҳудудий адвокатлар палатасининг раисини адвокатларнинг умумий йиғилишида очиқ-ошқора, муқобиллик асосида, ёпиқ овоз бериш йўли билан икки йиллик ваколат муддатига сайлаш зарурлиги ўз тасдиғини топган.

